

"Ўзкимёсаноат" АЖ Покистонда бўлиб ўтаётган "Made in Uzbekistan" миллий маҳсулотлар кўргазмасида иштирок этмоқда

// 12.02.2025

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-pokistonda-bulib-utayotgan-made-in-uzbekis>



Жорий йилнинг 11-феврал куни Лаҳор шаҳрида Ўзбекистон-Покистон муносабатлари тарихида илк бор "Маде ин Узбекистан" миллий маҳсулотлар кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Кўргазмада электротехника, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-поябзал, мебел ва ёғочсозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ва туризм каби соҳаларга ихтисослашган 100 га яқин Ўзбекистоннинг йирик миллий компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш қилмоқда.



Кўргазмадан "Ўзкимёсаноат" АЖ тармоқ кохоналарида ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги маҳсулотлар ҳам ўрин олган.

Тадбир Покистондаги бизнес ва саноат вакиллари билан савдо алоқаларини ривожлантиришга ва ҳамкорликни янада кенгайтириш учун ўзига хос майдон бўлмоқда.



Унинг доирасида ўзаро савдо ҳажмини ошириш, манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича B2B ва G2B музокаралар ўтказилмоқда.



"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати